

РОССИЯДА ИШЛАШ:  
МИГРАНТЛАРНИНГ  
МЕҲНАТ  
ҲУҚУҚЛАРИ

ВА БОШҚА ФОЙДАЛИ  
МАСЛАҲАТЛАР



# ТАРКИБЛАР:

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ! .....	3
РОССИЯГА КИРИШ .....	5
РЎЙХАТДАН ЎТИШ (РЕГИСТРАЦИЯ) .....	8
РОССИЯДА ИШЛАШ: ПАТЕНТ ВА УНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН? .....	12
РОССИЯДА ИШЛАШ:ИШ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ШАРТНОМА .....	21
РОССИЯДА ИШЛАШ: ИШ ЖОЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ .....	28
ИШ ЖОЙИДА ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЕРАК? .....	37
ТИББИЙ ЁРДАМ .....	42
АГАР ИШСИЗ ҚОЛСАНГИЗ .....	46
АГАР РОССИЯГА БОЛАЛАР БИЛАН БОРГАН БЎЛСАНГИЗ .....	48
ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР .....	51
МАМЛАКАТГА КИРИШГА ТАҶИҚ .....	54

# Ассалому алайкум!

Агар сиз Россияга ишлаш учун Озарбайжон, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинадан келган бўлсангиз, бу брошюра сиз учун. У Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистондан келганлар учун ҳам асқатади. Битта фарқи шуки, бу тўрт мамлакат фуқароларига патент керак бўлмайди.

Россияда қандай қилиб қонуний ишга жойлашиш мумкин? Хорижий ишчиларнинг қандай меҳнат ҳуқуқлари бор? Миграция қонунчилигини бузувчи бўлиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Ишга жойлашаётганда қандай қилиб алдов қурбони бўлиб қолмаслик мумкин? Шундай бўлиб чиқса ва иш берувчингиз ёки “бригадир” ингиз фирибгар бўлиб чиқса, қандай йўл тутиш лозим? Бу қийин вазиятда ким ёрдам беради?

Бу каби барча саволларингизга брошюрамиздан жавоб топасиз.

Брошюрани сиз учун ҳуқуқшунослар, инсон ҳуқуқлари химоячилари ва касаба уюшмалари тузган. Қонунчиликни ўрганиш ва амалда меҳнат мигрантларига амалий ёрдам бериш жараёнида биз барча билганларимизни жамладик ва оддий тилда баён этишга ҳаракат қилдик.

Бизнинг меҳнатимиз сизга фойдали бўлишига умид қиламиз.

Охирги бетда сиз учун телефон рақамларимизни, электрон почтамизни ва манзилимизни ёзиб қолдирдик. Сиз ҳар доим ташкилотимизга мурожаат этишингиз мумкин ва биз сизга кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Ташкилотимиздан маслаҳат олиш текин.

МАСЛАҲАТ!

**МУҲИМ!** Россия қонунчилиги мунтазам ўзгариб турибди. Ушбу брошюра чиққан пайтда қандайдир нормалар ўз кучини йўқотган, бошқалари қабул қилинган бўлиши мумкин. Шунинг учун Россияга ишга жўнашдан олдин ўз мамлакатингиздаги касаба уюшмалари, элчихона, Ташқи ишлар вазирлиги бўлимлари ёки ишга жойлашишга кўмак берадиган ташкилотларга маслаҳат сўраб мурожаат этишингизни тавсия этамиз.

## ОБРАЗЕЦ ЗАПОЛНЕННОЙ

## МИГРАЦИОННОЙ КАРТЫ

<b>"А" (Въезд/Arrival)</b>		<b>Российская Федерация Republic of Belarus</b>		<b>РБ</b>	
<b>Республика Беларусь Republic of Belarus</b>		<b>Российская Федерация Russian Federation</b>		<b>РБ</b>	
<b>Миграционная карта Migration Card</b>		<b>РБ</b>		<b>РБ</b>	
Фамилия/Surname (Family name)	С Е Р Г Е Е В А	Серия/ Serial	№		
Имя(Given name(s))	Н И Н А				
Отчество/Patronymic	В И К Т О Р О В И Ч А				
Дата рождения/Date of birth		Пол/Sex			
День/ Day	Месяц/ Month	Год/ Year	Муж/Male	Жен/Female	<input checked="" type="checkbox"/>
3	1 0 5	1 9 5 7	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Гражданство/Nationality		У К Р А И Н А			
Документ, удостоверяющий личность/ Passport or other ID		2 0 4 3 0 3 5			
Номер визы/Visa number					
Цель визита (нужное подчеркнуть) / Purpose of travel (to be underlined): Служебный/Official, Туризм/Tourism, Коммерческий/Business, Учеба/Education, Работа/Employment, Частный/Private, Транзит/Transit					
Сведения о приглашающей стороне (наименование юридического лица, фамилия, имя (отчество) физического лица), населенный пункт / Name of host person or company, locality: <b>ОДО "Моя радость" Г. МИНСК</b>					
С/From: 01-01-2007		До/To: 14-01-2007		Подпись/Signature: <b>Сергеева</b>	
Срок пребывания/Duration of stay: _____					
Служебные отметки/For official use only					
Въезд в Республику Беларусь/Российскую Федерацию / Date of arrival in the Republic of Belarus/Russian Federation					

<b>"Б" (Въезд/Departure)</b>		<b>Российская Федерация Republic of Belarus</b>		<b>РБ</b>	
<b>Республика Беларусь Republic of Belarus</b>		<b>Российская Федерация Russian Federation</b>		<b>РБ</b>	
<b>Миграционная карта Migration Card</b>		<b>РБ</b>		<b>РБ</b>	
Фамилия/Surname (Family name)	С Е Р Г Е Е В А	Серия/ Serial	№		
Имя(Given name(s))	Н И Н А				
Отчество/Patronymic	В И К Т О Р О В И Ч А				
Дата рождения/Date of birth		Пол/Sex			
День/ Day	Месяц/ Month	Год/ Year	Муж/Male	Жен/Female	<input checked="" type="checkbox"/>
3	1 0 5	1 9 5 7	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Гражданство/Nationality		У К Р А И Н А			
Документ, удостоверяющий личность/ Passport or other ID		2 0 4 3 0 3 5			
Номер визы/Visa number					
Цель визита (нужное подчеркнуть) / Purpose of travel (to be underlined): Служебный/Official, Туризм/Tourism, Коммерческий/Business, Учеба/Education, Работа/Employment, Частный/Private, Транзит/Transit					
Сведения о приглашающей стороне (наименование юридического лица, фамилия, имя (отчество) физического лица), населенный пункт / Name of host person or company, locality: <b>ОДО "Моя радость" Г. МИНСК</b>					
С/From: 01-01-2007		До/To: 14-01-2007		Подпись/Signature: <b>Сергеева</b>	
Срок пребывания/Duration of stay: _____					
Служебные отметки/For official use only					
Въезд в Республику Беларусь/Российскую Федерацию / Date of arrival in the Republic of Belarus/Russian Federation					

\* Намунаи корти пур

# РОССИЯГА КИРИШ

Россияга киришда миграция картасини тўғри расмийлаштириш жуда муҳим. Бу жавоб берилиши керак бўлган оддий саволлар ёзилган ҳужжат. Сиз чегарани кесиб ўтишингиз билан уни сизга албатта беришади: автобусда – ҳайдовчи, поездда – проводник, самолётда стюардесса беради. Агар бундай бўлмаса ёки сиз машинада келаётган бўлсангиз, картани чегаранинг ўзида беришади.

**МУҲИМ!** Миграция картаси текин берилади!

Миграция картасини рус ёки лотин ҳарфларида тўлдириш мумкин.

## МИГРАЦИЯ КАРТАСИДА ҚАНДАЙ САВОЛЛАР БЎЛАДИ?

Исм, отасининг исми ва фамилия, паспорт маълумотлари. Миграция картасида Россияга кимникига келаётганингизни ҳам кўрсатишингиз керак бўлади (“Таклиф этаётган томон ҳақида маълумот” устуни). Бу қариндошингиз ёки танишингизнинг исми ва манзили; ёки меҳмонхонанинг номи ва манзили; сиз ишламоқчи бўлган фирманинг номи ва манзили бўлиши мумкин.



**МУҲИМ!** Агар Россияга ишлашга келаётган бўлсангиз, “Келишдан мақсад” устунда албатта “Иш” деб кўрсатишингиз керак. Агар сиз бошқа мақсадни кўрсатсангиз, патент ололмайсиз.

Миграция картаси икки қисм – “А” и “Б”дан иборат бўлади. Ҳар икки қисмни диққат билан тўлдириш керак. Чегарада миграция картасининг “А” қисми чегара-ўтказиш пункти ходимларида қолади, “Б” қисми ўзингизга қайтариб берилади. Диққат қилинг: миграция картасининг “Б” қисмида чегара-ўтказиш пункти ходимлари сизнинг Россияга кирганингиз тўғрисида белги (штамп) қўйиши керак.

**МУҲИМ!** Миграция картасини тўғри тўлдириш, унга Россияга кирганингиз тўғрисида штамп урдириш ва албатта сақлаб қўйиш жуда муҳим!

Агар миграция картасини йўқотиб қўйсангиз ёки унга зарар етказсангиз, дастлабки уч кун ичида Россия Ички ишлар вазирлиги Миграция масалалари бош бошқармаси (ИИВ ММББ)нинг ўзингиз турган шаҳар ёки қишлоқдаги яқинроқ органига албатта ариза билан мурожаат қилинг. Паспортингизни ва Россияга келган билетингизни кўрсатинг ва сизга миграция картасининг дубликати (нухаси) текинга берилади.

МАСЛАХАТ!

Интернетда ИИВнинг <https://мвд.рф> сайти бор. Масалан, у ерда ИИВнинг барча (жумладан, миграция масалалари билан шуғулланадиган) бўлимларининг интерактив картаси, уларнинг манзиллари ва алоқа қилишга оид маълумотлари мавжуд.

**МУҲИМ!** Миграция картасининг дубликати текин берилади!

**МУҲИМ!** Россияга кирганда келган билетингизни сақлаб қўйинг! У кейинчалик керак бўлиб қолиши мумкин.



РОССИЯГА КИРИШ

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Чегарада миграция картасини олиб, иккала қисмини ҳам тўғри тўлдилинг.

» Миграция картасининг сизга берилган қисмида мамлакатга кирганингиз тўғрисида штамп қўйилганига ишонч ҳосил қилинг.

» Миграция картасини Россиядан чиқиб кетгунча сақланг.

» Россияга келган билетингизни сақлаб қўйинг.

» Миграция картаси ва унинг дубликати текин берилади.

# РҰЙХАТДАН ҰТИШ (РЕГИСТРАЦИЯ)

Россия худудида қонуний равишда бўлиб туриш учун, биринчи навбатда, вақтинчалик **рўйхатдан ўтиш (регистрация)** ни расмийлаштириш керак (бу ҳужжатнинг расмий номи анча узун: “хорижлик фуқаронинг борадиган жойига келгани ҳақида билдиришнома”).

Буни Россияга кирганингиздан кейин **7 иш куни давомида** қилиш керак. Тожикистон фуқаролари 15 кун давомида рўхатдан ўтишлари мумкин. Ишлашни режалаштираётган Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон фуқаролари эса Россияда рўйхатдан ўтмасдан 30 кун давомида бўлиши мумкин, Украина ва Беларус фуқаролари 90 кун ичида рўйхатдан ўтишлари зарур.

## РЕГИСТРАЦИЯНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ БИР НЕЧА УСУЛЛАРИ БОР:

Агар сиз меҳмонхонада, меҳмон уйида, отелда, хостелда ёки меҳмонхона типигаги ётоқхонада (яъни ҳамма ётоқхонада ҳам эмас) жойлашсангиз, унда биринчи кунларданоқ бу жойда яшашнинг бутун муддати учун рўйхатдан ўтишингиз керак. Бунинг учун администраторга мурожаат этишингиз зарур.

**МУҲИМ!** Меҳмонхона, хостел, ётоқхона ва ҳоказолар ходимлари уларга паспортингизни “гаровга” ёки “регистрацияни расмийлаштириш учун” қолдиришингизни сўрайди. Уларнинг бундай қилишга ҳақи йўқ. Сиз фақат уларга ҳужжатларингизни тақдим қилишингиз, улар эса нусха олиши керак, холос. Агар улар ҳужжатларингизни олиб қолиб, турли баҳоналар билан қайтаришни рад эса, 112 телефон рақами орқали полицияга кўнғироқ қилинг.

**2** Агартанишларингизникида, қариндошларингизникида ёхуд хона ёки квартирани ижарага олиб яшамоқчи бўлсангиз, жой эгаси сиз Россияга кирганингиздан бошлаб 7 иш куни ичида сизни рўйхатга қўйиши керак. Бунинг учун сиз у билан бирга яшаётган жойингиздаги ИИВ ММББ бўлимига, **ёки аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш учун онлайн портал орқали (Давлат хизматлари)**, ёки давлат хизматлари кўрсатувчи қўп функцияли марказ (КФМ)га боришингиз лозим. У ерда сизга “хорижлик фуқаронинг борадиган жойига келгани ҳақида билдиришнома” бланкаси бериледи. Билдиришноманинг бир томонида яшаш жойи эгаси (“қабул қилувчи томон”), иккинчи томонида сиз (“келган жойи бўйича рўйхатга қўйилиши керак бўлган шахс”) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур. Бланкага паспортингиз (фақат паспорт эгаси ҳақидаги маълумотлар варағи), шунингдек, миграция картангизнинг нусхалари илова қилиниши шарт.

**ИИВ ММББ (ёки КФМ)** дарасмийлаштириш текин, лекин ўзингиз билан ҳужжатлар (паспорт ва миграция картаси)нинг нусхалари бўлиши керак, бу ишни олдиндан қилиб қўйинг. Сиз регистратсияни дарҳол олишингиз мумкин.

**Давлат хизматининг интернет-портали орқали рўйхатдан ўтиш учун: gosuslugi.ru порталга кериб «Постановка иностранных граждан на учет по месту пребывания» хизматини танланг, кейн «Получить услугу» босинг, ундан сонг керакли майдонларни тўлдилинг, мигрант ва қабул қилувчи томонларнинг ҳужжатларни сканерланган-нусхасини қўшинг ва шаклни юборинг.**

МАСЛАХАТ!

Билдиришномангизни ИИВ ММББга жўнатиш ёки ўша жойнинг ўзида ҳужжатлардан нусха кўчириш учун (жами бор-йўғи 250-300 рубль) почтада сиздан арзимас ҳақ олинади. **Почта бўлимининг белгиси бўлган регистратсияни ўша жойнинг ўзида дарҳол оласиз.**

**Регистратсияни уч ойга расмийлаштириш мумкин.** Кейин агар сиз иш топсангиз ва шартномангиз ёки патентингиз бўлса, сиз уни узайтиришингиз мумкин.

Агар расмий иш топмасангиз, сиз регистратсиянгиз тугамасиданоқ мамлакатни тарк этишингиз керак.

**3** Агар иш берувчи сизга яшайдиган жойни ҳам берса, у регистратсияни расмийлаштириши мумкин.

**МУҲИМ!** 2018 йилдан бошлаб хорижлик фуқаро Россияда фақат ҳақиқатан ҳам яшаётган жойи бўйича миграция рўйхатида туриши (регистрациядан утиши) мумкин.

**МУҲИМ!** Агар иш берувчи сизни регистрация қилмоқчи бўлса, бунинг учун паспортингизни олиб қўйишга ҳақи йўқ.

**МУҲИМ!** Вақтинчалик регистрация билан Россия ҳудудида ярим йил давомида (180 календарь кун) 90 кундан кўп муддат бўлиш мумкин эмас. Агар бу муддатдан сўнг мамлакатдан чиқиб кетмаган бўлсангиз ёки ишга жойлашиб ёки патент олиб регистрацияни узайтириш имкониятига эга бўлган бўлмасангиз, қонунни бузган бўласиз: сиз жаримага тортилишингиз ва 10 йилгача муддатга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, чиқариб юборилишингиз мумкин.

**МУҲИМ!** Тўлов эвазига регистрацияни ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришни таклиф этадиган фирмалар жуда кўп. Бу фирмаларнинг аскарияти сохта ҳужжатлар беради. Эҳтиёт булинг, чунки сохта ҳужжатни кўзда чамалаб ҳақиқийсидан фарқлаш деярли имконсиз, қўлингизда сохта ҳужжат борлиги учун эса ўзингиз жиноий жавобгар бўласиз! Бундай сохта регистрацияни миграция хизмати ёки полиция ходимига тақдим этсангиз, жаримага тортилишингиз ва 10 йилгача муддатга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, чиқариб юборилишингиз мумкин.



## ШУНДАЙ ЎИЛИБ

» Россияга келгандан сўнг 7 иш куни ичида ўзингиз яшаётган меҳмонхона ёки ётоқхона, квартира эгаси ёхуд иш берувчи орқали регистрацияни расмийлаштиринг.

» Паспортигизни “регистрацияни расмийлаштириш учун” ёки “гаров”га ҳеч кимга берманг!

» Тўлов эвазига регистрацияни расмийлаштиришни таклиф этаётган фирмаларга ишонманг: улар сизга сохта ҳужжат бериши мумкин.

» Эсда тутинг: регистрациянинг йўқлиги ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш жаримага ва депортацияга сабаб бўлиши мумкин! Таваккал қилманг!

» Регистрацияни паспорт ва миграция картаси билан бирга Россиядан чиқиб кетгунча сақланг.

# РОССИЯДА ИШЛАШ: ПАТЕНТ ВА УНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН

Россияда қонуний асосда ишлаш учун сизга **патент** керак бўлади (Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон фуқароларидан ташқари).

**Патент** жисмоний шахс қўлида, ташкилотда (фирмада) ёки хусусий тадбиркорда ишлаш учун расмийлаштирилиши мумкин.

**МУҲИМ!** Агар сиз Россия фуқароси қўлида, унинг шахсий ишларини бажарсангиз (масалан, болаларига қарасангиз, касал ва кекса кишини парвариш қилсангиз, уйини тозалаб, овқат қилиб берсангиз, кимгадир уй қурилиши ёки квартирани таъмирлаш ва ҳоказо ишларда кўмаклашсангиз), жисмоний шахсда ишлаш патентини олишингиз керак. Бошқа ҳолатларда патент юридик шахсда ёки хусусий тадбиркорда ишлаш учун расмийлаштирилади.

**МУҲИМ!** Эътибор беринг: агар жисмоний шахс учун ишласангиз, сиз билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси (ёки хизмат кўрсатиш шартномаси) тузилиши эҳтимоли юқори. Шартномаларнинг турлари ҳақида қуйида айтиб ўтилади.



## ПАТЕНТ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

**Патент** олаётганда у қандай фаолият тури ва Россия Федерациясининг қайси субъекти худудида ишлашга рухсат беришига эътибор қаратинг. **Россия Федерациясисубъектлари** – булар **Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари**, шунингдек, Россия таркибига кирадиган **вилоятлар, ўлкалар ва республикалардир**. Сиз патентда кўрсатилганидан ташқари бошқа фаолият тури ёки Россиянинг бошқа субъекти худудида ишлашингиз мумкин эмас!

Аввалига патент бир ойдан **12 ой** муддатгача расмийлаштирилиши мумкин.

Ишлашга патентнинг умумий муддати у берилганидан сўнг 12 ойдан кўп эмас. Кейин шу патентни яна 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш бўлади. Яъни битта патент **2 йилгача** амал қилиши мумкин. Шундан сўнг патентни узайтириш мумкин эмас ва сиз Россиядан чиқиб кетишингиз керак.

Патентни Миграция масалалари бош бошқармаси (ИИВ ММББ) ёки давлат хизматлари кўрсатувчи кўп функцияли марказлар (КФМ) беради, лекин ҳаммаси эмас. Қатор хуудларда Ягона миграция марказлари (ЯММ) бор. Энг осони, сизга регистрацияни расмийлаштираётган ИИВ ММББ ходимидан патентни қаердан олишни сўраганингиз маъқул. Шунингдек, хужжатларни қабул қилиш ва тайёр патентларни бериш кунларини ҳам аниқлаштинг: кўпинча ИИВ ММББ ва КФМларнинг иш жадвали анча чалкаш бўлади.

Патент олишга ариза бланкасини интернетдан, масалан, мана бу манзилдан <https://migrantmedia.ru/wp-content/blanki-obrazcy/zayavlenie-na-patent-na-rabotu-na-2018-god.xlsx> юклаб олиш ёки тўғридан-тўғри ИИВ ММББ ёки КФМ бўлимларидан олиш мумкин. Уни қўлда (яхшиси, босма ҳарфларда) ёки компьютерда тўлдирса бўлади.



МАСЛАХАТ!

**МУҲИМ!** Баъзан ИИВ ММББ ходимлари ёзувингизга эътироз билдириши ва пул эвазига “хужжатларни тулдиришга ёрдам берадиган” муайян фирмаларга мурожаат этишни тавсия қилиши мумкин. Сиз бундай қилишга мажбур эмассиз! ИИВ ММББ ходимларининг бундай ҳаракатлари юзасидан ИИВнинг Ички хавфсизлик департаментига (+7 (495) 667-07-30) шикоят қилиш мумкин.



## **РУС ТИЛИ, РОССИЯ ТАРИХИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИДАН ИМТИҲОН**

2015 йилдан бошлаб патентга хужжат топшираётган барча хорижлик ишчилар рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги асосларидан билимларини тасдиқлашлари шарт. Буни уч усулда қилиш мумкин:

- 1) Россияда махсус имтиҳон топшириб, 5 йил амал қиладиган сертификат олиш;**
- 2) 1991 йил 1 сентябргача СССР даврида мактабнинг 8 ёки 10-синфларини битирган бўлсангиз, бу ҳақдаги мактаб аттестати тақдим этиш;**
- 3) 1991 йил 1 сентябрдан кейин Россия ҳудудидаги ўқув муассасасини битирганлик ҳақидаги дипломни тақдим этиш.**

Агар сиз имтиҳон топширсангиз, унинг пулли эканига, уни фақат йирик шаҳарларда ва фақат махсус ўқув марказларида топшириш мумкинлигига эътибор қилинг. Бундан ташқари, имтиҳон топширишга бир неча кун ёки ҳафта аввал навбатга ёзилиш мумкин бўлиши эҳтимоли бор. Тайёр сертификатни олишга эса яна 10 иш куни талаб этилади.

## **ПАТЕНТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА АРИЗАДАН ТАШҚАРИ ЯНА КАТТАГИНА ҲУЖЖАТЛАР ТўПЛАМИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:**

- **Паспорт**
- **Паспорт нусхаси**
- Россияда нотариал тасдиқланган **паспорт таржимаси**
- Келишдан мақсад – ИШлаш экани кўрсатилган **миграция картаси**
- Сиз ишламоқчи бўлган субъект (шаҳар, вилоят)дан олинган тиббий суғурта полиси
- Патент бериш тўғрисида ариза
- Хавфли касалликларга чалинмаганлик ҳақидаги махсус ҳужжат (уни аввалдан олиш керак)
- Рустилини билиш, Россия тарихи ва қонунчилиги асослари бўйича билимлар бўйича имтиҳон топширилгани тўғрисидаги сертификат
- **Регистрация**
  - Солиқ тўлангани ҳақида қвитанция. Ойлик аниқ суммани ИИБ ММББнинг ҳудудингиздаги бўлимидан аниқлаштиришингиз мумкин. Солиқни уч ойдан кўп бўлмаган муддатга аввалдан тўлаш мумкин. Солиқни Сбербанкнинг исталган бўлимида тўласангиз бўлади. Қвитанцияни тўлдириш намунасини (ҳисоб рақами ва бошқа реквизитлар) ИИБ ММББ бўлимларидан топиш ёки КФМдан билиш мумкин.
- 3x4 см ҳажмдаги **2 та рангли сурат** (улар аризага ёпиштириш учун керак).

**МУҲИМ!** Аксарият ҳудудларда КФМлар бирданига тўлиқ ҳужжатлар тўпламини расмийлаштиришни таклиф этади. Бу эса КФМга мурожаат этгач, сиз тиббий суғурта полисини сотиб олишингиз, имтиҳон топширингиз, шифокорлар кўригидан ўтишингиз, ҳужжатларингизни рус тилига таржима қилиш ва тасдиқлатишни фақат ўша ерда амалга оширингиз керак деганидир. Шу боис, битта ҳужжат учун икки марта пул тўламаслик учун барча жараёни олдиндан билиш керак.

Ҳужжатларни Ягона миграция марказларида расмийлаштириш учун тўлов қиймати тахминан 20-25 минг рублдир. Маълумот олиш учун Москва ЯММнинг <http://migrantcenter.ru/cont/oformlenie-patenta-opr-153.html> сайтига қарашингиз мумкин.



Кўшимча равишда сиз ойлик солиқни тўлашингиз керак бўлади. 2015 йилдан бошлаб унинг қиймати Россиянинг турли ҳудудларида бир-биридан бир неча марта фарқ қилади. Масалан, Москвада ойига 4000 рубль, бошқа ҳудудларда ойига 1500 рублдан 8000 рублгача бўлиши мумкин.

Эсдан чиқарманг, имтиҳон топшириш ва тиббий муассасаларда кўриқдан ўтиш кўп вақтни олади, имтиҳонга ва мутахассис кўригига аввалдан ёзилиш керак, барча маълумотномалар амал қилиш муддатига эга, КФМларда эса одатда кўп кунлик навбатлар бўлади. Россияга бориб ишламоқчи бўлсангиз, шуларни ҳисобга олинг!

Агар қандайдир сабаблар билан барча ҳужжатларни йиғишга ва Россияга келганингиздан кейин 30 кун ичида тақдим этишга улгурмасангиз, ҳужжатларнинг бир қисмини ўзингиз йиғишга уринганингиз ёки Ягона миграция маркази (ЯММ) ёхуд КФМга мурожаат қилганингиз муҳим эмас, ёнингизда жарима тўлаш учун 10-15 минг рубль пулингиз бўлиши керак, акс ҳолда патентга ҳужжатларингиз қабул қилинмайди.

Бундан ташқари, ҳокимият вакиллари исталган вақтда ҳудудда патент беришни вақтинчалик тақиқлашлари мумкин ва сиз миграция қонунларини бузмаслик мақсадида патент олиш учун бошқа ҳудудга боришингиз ёки Россияни тарк этишингиз керак бўлади.

Эсдан тутинг, энг яхшиси, мазкур қўлланмада ёзилган барча маълумотларни, жумладан, телефон орқали аввалдан сўраб олишдир.

## **ШУНДАН СЎНГ:**

**ИИВ ММББ, ЯММ ёки КФМлар аризангизни рўйхатга олиши ва унинг қабул қилинган санаси кўрсатилган, штамп босилган нусхасини бериши керак.**

**10 иш кунидан кўп бўлмаган муддат ичида сизга ишлаш учун патент берилади. Барча зарурий ҳужжатларни тақдим этган бўлсангиз, сизга патент беришни рад қилишлари мумкин эмас.**

**Агар ҳужжатларингиз нотўғри расмийлаштирилган бўлса, нимадир етишмаса ва сизга патент берилмаса, бунинг сабаблари кўрсатилган ёзма рад жавоби берилиши керак. Шунда сиз хатоликларни тўғрилашингиз ва қайтадан ариза топширишингиз мумкин.**

### **Патентни шахсан олишингиз керак бўлади.**



Қонунчиликка кўра, патент муддатини узайтириш учун патент муддати тугашидан камида бир кун олдин кейинги ой учун солиқ тўлаган бўлишингиз керак. Амалда тўлов пули банк орқали уч, ҳатто беш иш кунда келиб тушиши кўп учрайди. Шу боис, солиқни патент муддати тугашидан бир ҳафта олдин тўлаб қўйган маъқул. **Барча тўлов квитанцияларини албатта сақлаб қўйинг** – уларсиз патент қонуний кучга эга бўлмайди!

Патент тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан сўнг дастлаб ИИВ ММББ патент муддатини узайтиришни регистрацияни автоматик узайтиришга тенглаштирди, яъни кейинги ой учун солиқ тўлаш регистрациянинг уни расмийлаштиришга бориш заруратисиз автоматик равишда узайтирилганини аниқларди. Аммо кейинги вақтларда қонун бошқача талқин қилинмоқда. Амал қиладиган патенти бўлишига қарамай, регистрация йўқлиги сабабли кўплаб ишчилар жаримага тортилгани ва ҳатто депортация қилингани муносабати билан биз регистрацияни ҳар уч ойда узайтиришни тавсия этамиз.

Битта патент билан сиз расман бир неча иш берувчида ишлашингиз мумкин.

Патент Россия Федерациясининг қайси субъектида берилган бўлса, ўша жойда ишлаш ҳуқуқини беради.

Россия Федерацияси субъектлари – бу Москвава Санкт-Петербург шаҳарлари, шунингдек, Россия таркибига кирувчи вилоятлар, ўлкалар ва республикалардир. **Бундан ташқари, 2015 йилнинг июлидан бошлаб патент билан фақат унда кўрсатилган касб бўйича ишлаш мумкин.**



## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

РОССИЯДА ИШЛАШ: ПАТЕНТ ВА УНИ  
ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

» Агар Россияда ишламоқчи бўлсангиз - бу фирма бўладими ёки сиз кимнингдир шахсий ишларини бажарасизми – патент олишингиз шарт (Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон ва Беларусь фуқаролари бундан мустасно).» Паспортингизни “регистрацияни расмийлаштириш учун” ёки “гаров”га ҳеч кимга берманг!

» Патент учун ҳужжатларни ИИВ ММББга ёки ваколатли ташкилотлар – ЯММ ёхуд ҚФМга топширишингиз мумкин. Патентни шахсан олишингиз керак. » Эсда тутинг: регистрациянинг йўқлиги ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш жаримага ва депортацияга сабаб бўлиши мумкин! Таваккал қилманг!

» Патент олишга аризани тўлдириш учун қандайдир фирмага пул тўлашга сизни ҳеч ким мажбур қила олмайди. Уни яхшиси компьютерда, агар имкон бўлмаса, тушунарли тарзда босма ҳарфлар билан тўлдилинг.

» Патент олиш ёки унинг муддатини узайтириш учун сиз ҳар ой учун солиқ тўлашингиз керак. Солиқ тўлашни охириги кунга қолдирманг – тўлов банк орқали ИИВ ММББга келиб тушгунича бир неча кун ўтиши мумкин.

РОССИЯДА ИШЛАШ: ПАТЕНТ ВА УНИ  
ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Патент ҳужжатлар топширилгандан 10 кун кейин фақат шахснинг ўзига берилади.

» Агар сиз барча зарур ҳужжатларни топширган бўлсангиз, сизга патент беришни рад этишлари мумкин эмас.

» Агар ҳужжатларингизда қандайдир камчиликлар бўлса, нега патент бериш рад этилгани тўғрисида ёзма тушунтириш берилиши шарт. Шундан сўнг сиз хатоликларни тузатишингиз мумкин. Аммо патентга фақат бир йилдан кейин бошқатдан ҳужжат топшира оласиз.

» Агар амал қилиш муддати тугамаган патентингиз бўлса ҳам сизга барибир регистрация керак бўлади. Уни ҳар уч ойда узайтириб туринг.

» Паспортингизни ҳеч қачон ва ҳеч кимга берманг! Паспортсиз сиз жиноятчилар қурбонига айланишингиз ва қулликка тушишингиз мумкин.

» Регистрацияни расмийлаштириш харажатлари арзимасдир. Агар иш берувчи регистрацияни расмийлаштиришда ёрдам бергани учун бир (икки, уч) ойлик маошингизни ушлаб қолишини айтса, бу алдов ва ўғирликдир.

# РОССИЯДА ИШЛАШ: ИШ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ШАРТНОМА

Шундай қилиб, Россияда қонуний яшаш ва ишлаш учун барча зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш – сизда регистрация ва патент бор.

Мана, ишга жойлашиш учун узоқ кутилган вақт қилди. Афсуски, иш берувчилар орасида мигрант ишчиларни алдаш – ёмон шароитларда ва кўп ишлашга мажбурлаш, кам иш ҳақи тўлаш, қолаверса, уларнинг ўз ҳуқуқларини билмаслигидан фойдаланиб, умуман ҳақ бермасликка уринадиганлар (улар кам эмас) учрайди.



**Бундай вазиятга тушмасликнинг энг яхши йўли иш берувчи билан тўғри тузилган ва имзоланган шартномадир.**

## ШАРТНОМА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Иш берувчи билан шартнома икки хил бўлиши мумкин: меҳнат ва пудрат (яъни хизмат кўрсатиш) шартномалари. Сиз қандай шартнома тузилганини билиш учун унинг тепа қаторидаги ёзувни ўқишингиз кифоя – у ерда “Меҳнат шартномаси”, “Пудрат шартномаси” ва ҳоказолар кўрсатилган. У ерда шартнома рақами ва у тузилган сана кўрсатилган бўлиши лозим.

Шартномалар ўртасидаги фарқ шундаки, агар сизда меҳнат шартномасидан ташқари бошқа ҳар қандай шартнома бўлса ҳам сиз ҳақ тўланадиган меҳнат ёки касаллик бўйича таътилга чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз.

## ИШ БЕРУВЧИ БИЛАН ШАРТНОМАДА НИМАЛАР КЎРСАТИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК?

**Иш берувчингиз ким?** Иш берувчи билан ҳар қандай шартномада, агар у фирма бўлса, иш берувчининг тўлиқ юридик номи (агар жисмоний шахс бўлса, унинг тўлиқ исми, фамилияси, отасининг исми), манзили (шаҳар, кўча, уй, почта индекси), телефон рақами, банклардаги ҳисоб рақами кўрсатилган бўлиши жуда муҳим.

**МУҲИМ!** Сизга иш берувчининг кимлигини билиш муҳим, бу фақат исми ва мобил телефони рақамини айтган бригадир ёки бошқа исталган шубҳали воситачи эмас, балки уларга ҳақ тўлайдиган компаниядир. Нимадир юз берганда айнан шу компаниядан иш ҳақи бўйича қарздорликни ёки товон пулини талаб қилишингиз мумкин.



**2 Сиз кимсиз?** Ўша ерда сизнинг фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, мамлакатингиздаги манзилингиз, Россиядаги регистрация манзилингиз, паспортингиз маълумотлари кўрсатилиши шарт.

**муҳим!** Шартномада сиз ҳақингиздаги маълумотлар аниқ кўрсатилган бўлиши керак – чунки иш ҳақини айнан сиз олишингиз лозимлигини айнан шу маълумотлар тасдиқлайди.

**3 Шартнома қанча муддатга тузилган?** Амалда меҳнат шартномаси хоҳлаган муддатга (масалан, бир ойга) тузилиши, муддатсиз бўлиши (яъни доимий ишга ой ёки йил сони кўрсатилмаган ҳолда олинган бўлишингиз) мумкин, аммо хорижий ишчиларни ишлатадиган иш берувчилар одатда шартномани патентнинг амал қилиш муддатига қараб тузадилар.

**муҳим!** Россия қонунчилигида ишчи-хизматчиларни меҳнат шартномаси тугамасидан туриб ишдан бўшатиш сабаблари чекланган. Улар асосан корхонанинг ёпилиши, штатлар қисқариши ёки меҳнат интизомининг қўпол равишда бузилиши – ишга келмаслик, ичкиликбозлик, ўғирлик, давлат ёки тижорат сирини ошкор этиш билан боғлиқ. Ҳеч кимни шахсий сабаблар, касаллик ёки ҳомиладорлик сабаб ишдан бўшатиш мумкин эмас. Агар ўзингизни адолатсиз равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобласангиз, қўлланма сўнггида келтирилган телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг.

**4** **Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори.** Кўпинча иш берувчилар шартномада сизга келажақда оғзаки равишда ваъда берган иш ҳақидан кам суммани кўрсатади. Нега? Пулни ярим қонуний йўл билан ўтказиш, ортиқча солиқдан қочиш учун. Иш берувчи ваъдасида турадимиз? Агар турмаса, сиз ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлай олмайсиз – шартнома остидаги имзонгиз сиз унда кўрсатилган пулга ишлашингизни тасдиқлаганингизни англатади. Бу шартларга қўниш орқали сиз иш берувчига яхши, ammo ўзингизга ёмон хизмат кўрсатган бўласиз.

**МУҲИМ!** Иш ҳақингиздан 13 % ёки 30 % даромад солиғи олинади. Агар Россияда 183 кундан ортиқ қолган бўлсангиз ва буни ҳужжатлар ((183 кундан зиёд муддатли регистрация, патент, меҳнат шартномаси ва ҳоказолар) билан тасдиқлай олсангиз, солиқ худди Россия фуқаролариники сингари 13 % бўлади, акс ҳолда 30 % солиқ тўлайсиз.

**МУҲИМ!** Ҳар қандай ҳолатда иш берувчи тўлиқ бандлик, яъни ҳафтада 40 соатлик иш учун ўрнатилган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам маош тўлаш ҳуқуқига эга эмас. 2020 йилда Россияда бу миқдор 12 130 рублни ташкил этади. Айрим ҳудудларда бундан юқори энг кам иш ҳақи миқдори белгиланган бўлиши мумкин. Кейинги саҳифада бу ҳудудлар рўйхати ва 2020 йил учун рақамлар келтирилган.

**5** **Иш вақти.** Меҳнат шартномасида смена жадвали, иш соатлари, тушлик вақти ва ҳоказолар кўрсатилган бўлиши шарт. Иш берувчи мазкур шартларни ўзи билганича ўзгартириши мумкин эмас, бу ҳақда сизни огоҳлантириши ва розилигингизни олиши керак. Йирик корхоналарда баъзан шартномаларда бу маълумот ички тартиб-қоидаларда келтирилгани ёзилади, бундай ҳолатда мазкур қоидалар билан шартномани имзолагунга қадар албатта танишиб чиқинг, ўшанда қандай шартларга қўнаётганингизни билиб оласиз. Афсуски, иш берувчи бу қоидаларни сизнинг розилигингизсиз ўзгартириши мумкин, шунинг учун меҳнат шартномасида имкон қадар кўп маълумотлар ёзилса яхшироқ бўлади.

**6 Меҳнат мажбуриятлари.** Меҳнат шартномасида сиз қандай ишни бажаришингиз, мажбуриятларингиз нималардан иборат экани аниқ ёзилган бўлиши шарт. Масалан, сиз чилангар бўлсангиз, сизни идиш ювишга ёки юк туширишга мажбурлашлари мумкин эмас.

**7 Бошқа муҳим шартлар.** Аввало, бу ишлаб чиқариш нормалари. Кейин мукофотлаш шартлари ёки таътил муддати. Иш берувчи, масалан, тижорат сирини сақлаш шартлари ва ҳоказоларни киритиши мумкин.

**МУҲИМ!** Ҳар қандай шартнома икки нусхада тузилиши шарт. Шу билан бирга, шартномани ўша ернинг ўзида имзолашингиз ҳам шарт эмас: сиз уни уйга олиб кетиб, диққат билан ўқишингиз, ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашингиз (масалан, брошюранинг охирида кўрсатилган телефон рақамларига кўнғироқ қилиб) мумкин. Сиз ва иш берувчингиз шартноманинг ҳар икки нусхасини имзолайди, иш берувчи эса шартномада иш берувчи сифатида кўрсатилган ташкилотнинг муҳрини ҳам албатта босиши керак. Шундан сўнг шартноманинг битта нусхаси сизда қолади, бу сизнинг ҳужжатингиз.

Агар иш берувчи сизни шартномани имзолашни тезлаштиришга ундаса ёки иккинчи нусхасини қўлингизга бермаса, бунинг ортида алдов турган бўлиши, шартнома матнида сизга ёқмайдиган бирор нарса бўлиши ёки иш берувчи ҳаракатларининг нопоклигини тасдиқловчи нимадир борлиги эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолатлардан эҳтиёт бўлинг!

Агар сиз билан меҳнат шартномаси тузилса, ишга чиққан кунингиздан бошлаб 5 иш кунда иш берувчи **Россия намунасидаги меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувни киритиши шарт**. Дикқат қилинг, Россия ҳудудида фақат Россия меҳнат дафтарчаси ва 1974 йил намунасидаги совет меҳнат дафтарчаси амал қилади. Мамлакатингиз меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар Россияда қонуний ҳисобланмайди.

## **ИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Агар сиз билан **пудрат ёки хизмат кўрсатиш шартномаси** тузилса, ишни бажариб бўлганингиздан кейин сиз ва иш берувчингиз бир хил нусхадаги **ишни қабул қилиш далолатномасини** имзолашингиз керак бўлади.

Далолатномада ишни қабул қилиб олиш санаси, сиз ишлаётган ташкилот муҳри ва раҳбарнинг имзоси бўлиши шарт. Агар жисмоний шахсда ишлаётган бўлсангиз, муҳр бўлмайди.

Иш берувчининг имзоси ва муҳри бўлган бир нусха сизда қолади: бу сиз ишни бажарганингиз ва бунинг учун ҳақ олишингизни тасдиқловчи ҳужжатдир.

**МУҲИМ!** Ишга жойлашганингиздан кейин ишлаётган ташкилот ёки компаниянинг шартномада кўрсатилган тулиқ номини (агар жисмоний шахс бўлса, унинг исм-фамилиясини), манзилини, иш берувчининг телефон рақамларини, директорнинг фамилияси, исми, отасининг исмини (одатда булар шартномада ёзилган бўлади) албатта ўз қариндошларингизга хабар қилинг. Агар шартномада кўрсатилганидан бошқа жойда ишлаётган бўлсангиз, сизни топиш мумкин бўлган барча манзиллар ҳақида қариндошларингизни хабардор қилинг.

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

РОССИЯДА ИШЛАШ:ИШ  
БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ШАРТНОМА

» Албатта иш берувчи билан меҳнат ёки пудрат (хизмат кўрсатиш) шартномаси имзоланг.

» Шартнома икки нусхада тузилади, иш берувчи унга нафақат имзо қўйиши, балки муҳри билан тасдиқлаши ва иккинчи нусхасини сизга бериши керак.

» Агар сизни шошилтиришса, шартномани ўқиш учун тақдим қилишмаса, иккинчи нусхасини беришмаса – бу алдовнинг ёрқин аломатидир.

» Шартномада иш берувчининг кимлиги, шартнома қанча муддатга тузилгани, қандай ишни қандай иш жадвали бўйича ва қанча ойлик маошга бажаришингиз аниқ кўрсатилган бўлиши шарт.

» Агар шартномада кўрсатилган иш ҳақи сизга оғзаки ваъда қилинганидан фарқ қилса, сизни алдашлари мумкин.

» Агар меҳнат шартномаси асосида ишласангиз, Россия намунасидаги меҳнат дафтарчасига албатта ёзишлари лозим (хорижий меҳнат дафтарчалари Россияда амал қилмайди).

» Агар сиз пудрат шартномаси ёки хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ишласангиз, иш бажариб бўлинганидан сўнг сиз ва иш берувчи ишни қабул қилиб олиш далолатномаси (икки нусхада: биттаси сизга, иккинчиси иш берувчига) имзолайсиз. Шунинг асосида сиз ҳақ оласиз.

» Юртингиздаги қариндошларингиз ва Россиядаги яқинларингизга қаерда яшаётганингиз ва ишлаётганингиз, сизни топиш мумкин бўлган барча манзиллар ва телефон рақамлари ҳақида албатта хабар беринг

# РОССИЯДА ИШЛАШ: ИШ ЖОЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ

Билиб олинг, иш жойида ўз ҳуқуқларингиз бор – улар россиялик ишчиларнинг ҳуқуқларидан деярли фарқ қилмайди. Ҳатто регистрациянгиз тугаган, бошқа ҳужжатларингизнинг муддати ўтган ёки улар қалбаки бўлиб чиққанда ҳам ҳеч ким сизни меҳнат ҳуқуқларидан маҳрум қилишга ҳақли эмас.

## ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛИНГ!

- Қайси мамлакат фуқароси эканлигингиз, регистрация ва ишлашга рухсатномангиз бор-йўқлигидан қатъи назар, **ҳеч ким сизни ишлашга мажбур этишга ҳақли эмас.**
- Қайси мамлакат фуқароси эканлигингиз, регистрация ва ишлашга рухсатномангиз бор-йўқлигидан қатъи назар, **сизга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашлари шарт.**
- Россияда иш берувчиларнинг **ишчиларга жарима белгилаши тақиқланган.**

## АСОСИЙСИ – ИШ ҲАҚИ

**Иш ҳақингизни фақат рублда тўлашлари шарт.** Баъзан қонун маошнинг 20 фоиздан кўп бўлмаган қисмини пул билан эмас, масалан, озиқ-овқат ёки корхонангиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан тўлашга рухсат этади. Аммо бу ҳақда сизнинг меҳнат шартномангизда ёзилган бўлса ва тўловнинг бундай шаклига рози эканингиз тўғрисидаги ёзма аризани имзолаганингиздан сўнггина шундай қилишлари мумкин.

Баъзан иш берувчи иш ҳақининг катта қисмини **мукофот ёки рағбатлантиришнинг бошқа шаклида расмийлаштиришга** уринади. Меҳнат шартномасида сизни қачон рағбатлантириш мумкинлиги, иш нормаси қанчалиги, мукофотлаш миқдори ва шартлари имкон қадар батафсил ёзилганига эътибор қаратинг.

**МУҲИМ!** Қонун бўйича иш берувчи сиздан ҳеч қандай жарима ундириш ҳуқуқига эга эмас. Демак, шартномада жарима тўғрисида ёзилиши ҳам мумкин эмас.

**МУҲИМ!** Агар меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бўлсангиз, сизга ойига икки марта, яъни ҳар икки ҳафтада иш ҳақи тўлашлари шарт. Агар 15 кундан кўп муддат давомида иш ҳақи тўлашмаса, иш берувчини ёзма огоҳлантирган ҳолда ишни тўхтатиш ҳуқуқига эгасиз. Қонуннинг сезилар-сезилмас фарқлари кўп, шунинг учун иш ҳақингиз тўланмаган ҳолатларда ўз ҳуқуқларингизни яхшироқ ҳимоя қилиш учун брошюра охирида кўрсатилган телефон рақамларига кўнғироқ қилиб, маслаҳат олинг.

## ХАВФСИЗ ИШЛАШ

**Иш берувчи нима қилиши керак?** Қаерда ишланган - катта корхонадами ёки уй хизматчисими – иш берувчи Меҳнат кодексига, жумладан, санитария нормаларига амал қилиши ва сизга **хавфсиз иш шароитини** яратиб бериши шарт. Иш берувчи **техника хавфсизлиги бўйича** йўл-йўриқ кўрсатиши, корхонанинг қаерида хавфли ҳудудлар ва объектлар борлиги, ҳимоя воситаларидан қандай фойдаланиш ва ҳоказолар ҳақида сизни хабардор қилиши керак.

Агар хавфли ишларда ишласангиз, иш берувчи сизни **ҳимоя воситалари**, масалан, қўлқоп, кўзни, нафас йўлларини ҳимоя қилувчи жиҳозлар, махсус кийим ва ҳоказолар **билан текин таъминлаши шарт**. Агар иш берувчи бу шартларни бажармаса, сиз ҳаётингиз ва соғлигингизга хавф туғиладиган шароитда ишлашдан бош тортиш ҳуқуқига эгасиз. Сизга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб бермагани сабабли ишламаган вақтингиз учун иш берувчи ҳақ тўлашга мажбур.

## 2 Сиз нима қилишингиз керак? Сиз ишчи сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя этишингиз шарт.

Акс ҳолда сизга нимадир бўлса, иш берувчи жавобгар бўлмайди ва сиз тоvon пули олмайсиз. Масалан, иш вақтида спиртли ичимликлар ичиш, электр жиҳозлари, саноат ускуналари ва ҳоказолар билан ишлаётганда техника хавфсизлигига амал қилмаслик тақиқланган. Агар техника хавфсизлиги бўйича муайян ишни бажараётганда махсус кийимда бўлиш, каска кийиш, махсус эҳтиёт воситалари ва ҳоказолардан фойдаланиш шарт бўлса, сиз бу қоидаларга риоя этишингиз шарт.

### ИШ КУНИ ДАВОМИЙЛИГИ, СМЕНА ЖАДВАЛИ

Россия қонунчилигига кўра, одатдаги **иш ҳафтаси давомийлиги 40** соатдан, зарарли ва хавfli ишларда 36 соатдан **ортиқ эмас**. Одатдаги **иш куни – 8 соат** (тушликка танаффус бунга қўшилмайди), ҳафтасига беш кун.

Аммо иш берувчиларда сменалар жадвали бошқача, масалан, 12 соатлик ўзгарувчан ва суткалик сменалар бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда иш вақтининг ҳафталик давомийлиги – 40 соатдан кўп бўлмаслиги - сақланиши шарт.

Ишчи сменалар оралиғида қанча вақт дам олишини белгилаб берадиган махсус қонунлар бор. Уларга кўра, бу оралиқ ишланган смена давомийлигидан икки баравардан кам бўлиши мумкин эмас. Қаторасига икки смена ишлаш тақиқланади.

Иш жадвали ҳақида унинг бошланишидан бир ой олдин сизга ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

**МУҲИМ!** Иш берувчи сизни ортиқча ишлашга мажбур эта олмайди!

## ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШ

Иш берувчи сизга **иш вақтидан ташқари иш** (иш куни тугагандан кейинги иш) таклиф этиши мумкин. Аммо бу фақат сизнинг ёзма розилигингиз билан қатъий чегараланган вақт (икки кун давомида қаторасига 4 соат ёки йилига 120 соат) давомида ва **қўшимча иш ҳақи тўлаш** шарти билан бўлиши мумкин. Иш вақтидан ташқари ишнинг дастлабки икки соати учун бир ярим баравар, кейин эса икки баравар ҳақ тўланади. Ёки сиз ҳақ ўрнига худди шунча вақтга қўшимча дам олишни сўрашингиз мумкин.

Агар иш берувчи сиздан дам олиш ёки байрам кунлари ишлашни сўраса ҳам сизнинг ёзма розилигингиз керак бўлади. Иш берувчи бу иш учун ёки сизга **икки баравар миқдорда** ҳақ тўлаши, ёки ишлаган дам олиш ёхуд байрам кунлари учун сизга ҳақ тўланадиган дам олиш куни тақдим этиши шарт.

**МУҲИМ!** Сизни ишдан ташқари ишга розилигингизни олмасдан туриб жалб этиш мумкин бўлган ягона ҳолат – бу табиий офатлар ва ҳалокатлар оқибатини бартараф этиш.

Агар шартномада нормаланмаган иш куни кўрсатилган бўлса, бу сизнинг ҳар куни иш берувчи қанча айтса, шунча ишлашингизни англатмайди. Нормаланмаган иш куни иш берувчи ҳар замонда сизни ишдан ташқари ишга жалб қилиши мумкинлигини англатади.

**МУҲИМ!** Ҳомиладор аёлларга иш куни ёки иш ҳафтаси қисқартирилиши керак. Бундан ташқари, қонун ҳомиладор аёлларни тунги вақтларда (соат 22 дан 6 гача) ва ишдан ташқари ишга жалб этишни тақиқлайди. Ҳомиладор аёллар ишдан бўшатилишдан қонун билан ҳимояланган. Иш берувчига ҳомиладорлигингиз ҳақида қандай хабар бериш ва бу муҳим даврда ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқшунос билан (брошюра охиридаги телефон рақамлари орқали) маслаҳатлашинг.

## ДАВЛАТ БАЙРАМЛАРИ ВА ИШ

Россияда байрам кунлари

**1, 2, 3, 4, 5, 6, 8 январь** – Янги йил таътиллари

**7 январь** – Рождество

**23 февраль** – Ватан ҳимоячилари куни

**8 март** – Халқаро хотин-қизлар куни

**1 май** – Баҳор ва меҳнат байрами

**9 май** – Ғалаба куни

**12 июнь** – Россия куни

**4 ноябрь** – Халқ бирдамлиги куни

Давлат байрамларидан бир кун олдинги иш кунингиз 1 соатга қисқартирилади.

Агар сиз меҳнат шартномаси бўйича душанбадан жумагача ишласангиз, байрам куни шанба ёки якшанбага тўғри келса, унда байрам куни дам олиш кунларидан кейинги иш кунига кўчирилади, яъни сиз душанба куни ишга чиқишингиз керак эмас.

## МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Агар **меҳнат шартномаси бўйича** ишласангиз, ҳатто ярим ставка ёки ундан кам штатда ишласангиз ҳам сиз йилига камида 28 иш куни миқдорида **ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили** олиш ҳуқуқига эгасиз. Агар таътилга чиқмасангиз (масалан, ишдан бўшасангиз ва бошқа ишга ўтсангиз ёки юртингизга қайтиб кетсангиз), сизга фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўлашлари керак.

## КАСАЛЛИК ВАРАҚАЛАРИ

Агар сизда регистрация ва тиббий суғурта (бу ҳақда буклетнинг “Тиббий ёрдам” бўлимида батафсил ёзилган) бўлса, тиббий муассасага мурожаат этиб, касаллик варақаси очтиришингиз ёки вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисида маълумотнома олишингиз мумкин. Фақат меҳнат шартномаси бўйича касаллик бошланишидан олти ой илгари иш бошлаган бўлсангиз, яъни иш берувчи камида ярим йил давомида Ижтимоий суғурта жамғармасига бадал тўлаб келган бўлсагина сиз касаллик варақаси бўйича ҳақ олишингиз мумкин. Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон фуқаролари меҳнат шартномаси бўйича қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, касаллик варақаси бўйича ҳақ олишлари мумкин. Аммо бунгача сиз Россияда меҳнат шартномаси бўйича умуман ишламаган бўлсангиз, касаллик варақаси бўйича тўлов жуда кам бўлади. Фақат меҳнат шартномаси бўйича расман икки йил ишлаган ва иш берувчи сиз учун бадал тўлаб боргандан кейингина ойлик маошингизга яқин миқдорда касаллик варақаси бўйича тўловга умид қилсангиз бўлади.

2015 йилдан буён Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистоннинг меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган фуқаролари нафақат касаллик варақаси бўйича ҳақ олади, балки ҳомиладорлик ва фарзанд кўрганлик бўйича нафақа, бола туғилгандаги бир марталик нафақа, болани парваришlash учун ва баъзи бошқа нафақаларни олиши мумкин.

Агар фуқаровий-ҳуқуқий шартнома бўйича ишласангиз, сизга ҳеч қандай тўлов тўланмайди.

**МУҲИМ!** Спорт, маданий ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда волонтерлар жамоаси, яъни кўнгилли текин ёрдамчилар кўмак беради. Эҳтиёт бўлинг! Меҳнат шартномангизда сиз волонтер сифатида ишга жойлашаётганингиз кўрсатилмаганини текшириб кўринг. Акс ҳолда бу сиз ҳеч қандай тўловсиз (фақатгина яшаш жойи ва овқат учун) ишлашга рози эканингизни англатади.

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

- » Сиз иш жойингизда худди россиялик ишчилар каби ҳуқуқларга эгасиз.
- » Меҳнат ҳуқуқларингиз қайси мамлакат фуқароси эканингиз, регистрация, патент ва бошқа ҳужжатларингиз бор-йўқлигига боғлиқ эмас. Аммо эсда тутинг, агар патент ёки тиббий суғурта полиси муддати тугаган бўлса, иш берувчи сизни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга.
- » Ҳеч ким сизни меҳнатга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.
- » Сизга иш ҳақи ўз вақтида (ойига икки марта, яъни ҳар икки ҳафтада) ва тўлиқ тўланиши керак.
- » Россияда иш берувчиларнинг ишчиларни жаримага тортиши тақиқланган.

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Иш берувчи иш жойида хавфсизлигингизни таъминлаши, ҳимоя воситалари бериши, йўриқнома ўтиши ва ўқитиши шарт.

» Ҳеч ким сизни ишдан ташқари ва дам олиш кунлари ишлашга мажбурлашга ҳақли эмас.

» Агар сиз бундай ишлашга рози бўлсангиз, бунинг учун икки баравар ҳақ тўланиши ёки ҳақ тўланадиган таътил берилиши керак.

» Давлат байрамлари муносабати билан сизга қўшимча дам олиш кунлари берилиши ва байрам арафасида қисқартирилган иш куни бўлиши лозим.

» Хорижий ишчилар меҳнат шартномаси бўйича олти ой (Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон фуқаролари 1 кун ишлаганидан бошлаб) ишлаганингиздан кейин касаллик варақаси бўйича ҳақ олишингиз мумкин. Аммо ишга сабабсиз эмас, балки касал бўлганингиз учун чиқмаганингизни исботлаш учун касаллик варақаси барибир керак бўлади.



# ИШ ЖОЙИДА ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЕРАК?

Эртами-кечми, инсон иш жойида муаммолар ёки адолатсизлик билан юзма-юз келади. Бу паст маош, зарарли меҳнат шароитлари, бошлиқларнинг қўполлиги ва камситишлари, турли қонуний нафақа ва компенсациялар тўланмаслиги, иш вақтидан ташқари ишга мажбурлаш, ноқулай иш жадвали, жарималар ва яна қўп омиллар бўлиши мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, хорижлик ишчилар иш ҳақи тўланмаслиги муаммосига энг қўп дуч келади. Ахир айнан пул учун одамлар ўз юртини ташлаб, Россияда ишлашга боради, яқинларидан узоқда, бегона мамлакатда яшайди.

Нима қилиш керак?

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИСБОТИ



Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун сиз **ишлаганингизни ва айнан шу иш берувчи қўлида меҳнат қилганингизни исботлашингиз керак.**

## ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ИШЛАГАНИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ИСБОТ ҚИЛАСИЗ?

**Иш берувчи билан шартнома** – бу сиз ишлаётганингиз ёки айнан шу корхонада меҳнат қилганингизни исботлашнинг асосий, ammo ягона бўлмаган усулидир.

Шартномадан ташқари, масалан, имзо қўйилган нарядлар, тўлов ведомостлари ва ишга тааллуқли бошқа ҳужжатларни **ўзингизда сақланг**; агар корхонада кириш-чиқиш рухсатнома билан амалга оширилса, рухсатномани сақланг; сиз шу иш берувчида ишлаётганингизни **телефонда суратга туширинг ёки видеоба ёзиб олинг**. Агар иш берувчиноҳақ эканигаишончингиз комил бўлса, у билан суҳбатларингизни **диктофонга** ёки телефонга ёзиб олинг. Аммо эсда тутинг, бу каби ёзув ва суратлар судлартомонидан камдан-кам ҳолатларда далил сифатида қабул қилинади. Шунинг учун энг яхшиси қўлингизда расмийлаштирилган қоғоз ҳужжатларнинг бўлишидир.

## ИШЧИЛАРНИНГ БИРЛАШМАЛАРИ – ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛИ

Эсда тутиш керакки, фақат ўзимизча жавраб, жимгина сабр қилиб ўтирсак, барчаси аввалгидай қолаверади.

Ишчилар иш берувчи билан муносабатларда ўз манфаатларини фақат биргаликда, яъни бириккан ҳолда ҳимоя қилиши мумкин.

Иш берувчи ва ёлланма ишчиларнинг манфаатлари ҳеч қачон тўлиқ мос тушмайди. Иш берувчи ҳар доим ишчидан имкон қадар кўпроқ нарса олишга, айти пайтда кам иш ҳақи тўлаш ёки ходимлар сонини қисқартириб харажатларни камайитиришга интилади. Иш берувчида ҳар доим ишчига нисбатан устунлик мавжуд: пул, корхонадаги раҳбарлик, қўл остидагиларнинг тақдирини белгилаш.

Ишчи иш берувчига қарамдир. Бу ҳақда баҳслашишнинг фойдаси йўқ.

Аммо **иш берувчи ишчига янада кўпроқ қарам**. Компания фойда олишдан манфаатдор, бу эса меҳнатсиз мумкин эмас. Агар ҳеч ким ишлаб чиқаришда, қурилишда, кассада, таксида, кафедра, уй-жой хўжалигида ишламаса, иш берувчида ҳам даромад бўлмайди. Агар иш берувчингиз жисмоний шахс бўлса, у ўзи учун энг қимматли нарсаларни – квартирасини, қарамоғингиздаги болалари, қариндошларини сизга ишониб топширади.

Айнан шунинг учун ишчи **ўзига нисбатан ҳурматли муносабатни**, ҳуқуқларига риоа этилишини, меҳнати учун муносиб, адолатли ва ўз вақтида бериладиган иш ҳақини **талаб қилишга ҳақли**.

Бунинг учун ҳамкасблар билан ўз муаммолари тўғрисида гаплашиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва таслим бўлмаслик керак. **Россияда бирлашмалар тузиш ҳуқуқи қайси мамлакат фуқароси эканидан қатъи назар, барча ишчиларда бор**. Бу ҳуқуқ Конституция, Меҳнат кодекси ва “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун билан кафолатланган. Қолаверса, Россияда барча ишчиларга иш берувчи билан жамоа бўлиб, яъни “биттага битта” эмас, ҳамма биргаликда, ўз вакиллари орқали музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилган. Ишчилар қандай шаклда бирлашишларини ўзлари ҳал қилади. Ишчилар бирлашмасининг энг кенг тарқалган шакли қасаба уюшмаларидир.

Албатта, ёрдам керак бўлади. Россияда **хорижлик ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган** ташкилотлар бор.

Бу кўмак ҳуқуқий маслаҳат, шартномани расмийлаштириш ва иш берувчи билан гаплашишга ёрдам бериш кўринишида бўлиши мумкин: **ёлғиз қолмаслигингиз**, кимдир сизнинг номингиздан вакил бўлиши мумкинлиги ҳар доим яхши.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари компаниялар томонидан **тўланмаган иш ҳақларини қайтариш механизмларини** ишлаб чиққан, аммо бунинг учун жабрланган барча ишчиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб этилади. Масалан, биргина 2013 йилда “Новопроф” касаба уюшмаси Санкт-Петербургнинг уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш сектори бошқарув компанияларидан фаррошлар ва бошқа ишчиларнинг иш ҳақи бўйича 3 миллион рублдан ортиқ қарздорликни ундиришга эришди. 2017 йилда Москвада “Сбарро” ресторанлар тармоғи ишчи-хизматчилари “Новопроф” касаба уюшмасига бирлашиб, иш ҳақи бўйича кўп ойлик қарздорликни ундиришга муваффақ бўлдилар, аммо пуллар фақат касаба уюшмаси аъзоларигагина қайтарилди.

**Ҳақиқий касаба уюшмаси, биринчи навбатда, унинг аъзоларидир.** Агар касаба уюшмаси аъзоси кўп бўлса, улар уюшқоқликбилан бир-бирини қўллаб-қувватласа, биргаликдаги ҳаракатларини режалаштириш ва раҳбарият билан музокара ўтказиш салоҳиятига эга бўлса, турли-туман масалаларга ечим топиш мумкин бўлади. Россиядаги касаба уюшмалари хорижлик ишчиларнинг уларга аъзо бўлиши учун очик.

Агар фирмада ёки сиз ишлаётган ҳудудда касаба уюшмаси бўлса, сиз унга аъзо бўлишингиз мумкин. Бунинг учун **ариза ёзиш** ва мунтазам равишда **касаба уюшмасига аъзолик бадалини** (одатда иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан) тўлаш талаб этилади. Касаба уюшмаларида ишингиз ва ҳуқуқларингиз билан боғлиқ барча масалалар бўйича сизга маслаҳат берадиган малакали ходимлар бор. Агар корхонангизда касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти бўлмаса, сиз уни тузишингиз мумкин.



**Кўпроқ маълумот олиш учун “Новопроф” касаба уюшмасига** брошюра сўнггида келтирилган телефон рақамлари ва электрон почта орқали мурожаат этинг.

## **ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ БУЗИЛГАНИДА ЯНА ҚАЕРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН?**

Россияда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган махсус давлат органлари мавжуд. Бу меҳнат инспекцияси (“Роструд”) ва прокуратурадир.

МАСЛАҲАТ:

Иш жойида ҳуқуқларингиз бузилганда “Роструд”нинг тезкор алоқа телефони: 8 (495) 343 96 61 ёки 8 (800) 707 88 41 рақамларига, <http://онлайнинспекция.рф> сайти орқали ёки “Роструд”нинг ҳудудий органларига мурожаат этишингиз мумкин. Уларнинг рўйхатини <http://www.rostrud.ru> сайтидан топишингиз мумкин. Сайтнинг ўнг томони пастида интерактив карта ва қидирув қатори жойлашган.

Ҳар қандай ҳуқуқингиз бузилганда прокуратурага мурожаат этинг; худудингиздаги прокуратуранинг манзилини <http://www.genproc.gov.ru> сайтидаги “боғланиш маълумотлари” бўлиmidан топишингиз мумкин.



## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

ИШ ЖОЙИДА ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ  
ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛАСИЗ?

» Ўз ҳуқуқингизни, масалан, иш ҳақи берилмаган вақтда ҳимоя қилиш учун сиз ишлаганингизни исботлашингиз керак. Буни меҳнат шартномаси ёки бошқа далиллар ёрдамида қилиш мумкин. Эҳтиёт чораларини кўринг ва уларни аввалдан йиғиб боринг.

» Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг яхши усули - касаба уюшмаларига аъзо бўлиш. У сизга зарурий масалаҳатлар бериши, қўллаб-қувватлаши ва иш берувчига босим ўтказиши, музокаралар ўтказиши ва сизга тўланмаган иш ҳақини қайтариш чорасини кўриши ёки бошқа ҳуқуқларингизни тиклаши мумкин.

» Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига мурожаат этиш ҳам мумкин. Улар шикоят аризаси ёзиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, судга даъво киритиш, манфаатларни ифодаловчи бўлишга ёрдам беради ва ижтимоий ёрдам ажратиши мумкин.

» Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар телефон рақамларини брошюранинг охиридан топасиз.

» Россияда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи махус давлат органлари бор: меҳнат инспекцияси ва прокуратура.

# ТИББИЙ ЁРДАМ

Россиянинг қай бир ерида бўлманг, **сиз текин шошилинич тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгасиз.** Яъни агар ҳаётингизга хавф бўлса, ёки кучли оғриқ безовта қилса, **тез ёрдам шифокорлари сизни кига келиши,** минимал зарурий ёрдамни кўрсатиши, оғриқни қолдириши ёки ҳаётингизни сақлаб қолиш учун шифохонага олиб келиши шарт.

**МУҲИМ!** Тез тиббий ёрдамни чақариш учун барча телефонлар, жумладан, мобил телефонлар учун ҳам ягона рақам – 103. Шунингдек, сиз фавқулодда хизматларни чақаришда 112 рақамидан фойдаланишингиз мумкин.

МАСЛАҲАТ!

**ТЕЗ ЁРДАМНИ ЧАҚАРИШ УЧУН ОПЕРАТОРГА ҚУЙДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ХАБАР ҚИЛИШГА ТАЙЁР БЎЛИНГ:**

- **жинси;**
- **жабрланувчи (аҳволи ёмонлашган киши)нинг тахминий ёши;**
- **у нафас оляптими ёки йўқми, чақарув сабаби;**
- **аниқ манзил;**
- **сизнинг исмингиз;**
- **телефон рақами.**

Сиз тез ёрдамни чақираётган аниқ манзилни мобил телефонингиздаги “навигатор” ёки “карта” иловалари орқали ҳам билишингиз мумкин.

Аммо эсда тутинг, бошқа барча тиббий ёрдам учун ўзингиз пул тўлайсиз ва у арзон эмас. Фақат Беларусь фуқаролари катта ҳажмдаги текин хизмат кўрсатилиши ҳуқуқига эга.



## ТИББИЙ СУҒУРТА

Шунинг учун кўнгилли тиббий суғурта полисига (КТС) эга бўлиш муҳим. Уни Россиядан сотиб олиш мумкин, жуда кўп суғурта компаниялари турли-туман суғурталарни таклиф этади. Суғуртани расмийлаштириш учун сизга паспорт керак бўлади.

Суғуртани сотиб олишдан аввал шартномани албатта диққат билан ўқинг! У ерда айнан шу суғурта шартномаси бўйича кўрсатиладиган ёрдам турлари кўрсатилган бўлиши керак. Суғурта нархи шартномада қандай ёрдам турлари санаб ўтилганига боғлиқ бўлади: одатда нарх қанча баланд бўлса, шунча кўп хизмат кўрсатилади.

Сиз мурожаат этишингиз мумкин бўлган тиббий марказлар ва поликлиникаларнинг манзилларини, уларнинг телефон рақамлари ва иш соатларини, улар хорижий фуқароларни қабул қилиши ёки қилмаслигини албатта билиб олинг.

**МУҲИМ!** Агар сизга йилига 10-15 минг рублдан кам суғурта таклиф этишса, кўпинча у минимал хизматлар тўпламини, жумладан, шундай ҳам сизга текинга кўрсатилиши керак бўлган шошилинич ёрдамни ўз ичига олган бўлади.


**МУҲИМ!** Суғурта полиси сотиб олаётганда у фақат сиз учун амал қилишини ва оилангиз аъзоларига (болалар, эр ёки хотин, ота-она) тааллуқли бўлмаслигини эсда тутинг.

Баъзан иш берувчилар ўз ишчилари учун КТС полисини ўзлари расмийлаштирадilar. Ишга қабул қилинаётганда иш берувчидан бу ҳақда сўранг. Агар иш берувчи КТС расмийлаштира, сиз қандай ҳажмдаги тиббий ёрдамга умид қилишингиз ва уни қаердан олишингиз мумкинлигини сўранг. Чунки ҳатто ташкилотингиз билан ходимларни даволаш бўйича шартномага эга бўлса-да, ҳамма поликлиника ҳам хорижий фуқароларга хизмат кўрсатавермайди.

## ПУЛЛИ ТИББИЙ ХИМЗАТ

МАСЛАҲАТ!

Агар минимал хизматлар тўпلامли полис сотиб олган бўлсангиз, иш ёки яшаш жойингизга яқин бўлган поликлиника ёки тиббий марказни излаш, уларда хорижий фуқаролар учун қандай пулли хизматлар борлигини ва нархлар қандайлигини аввалдан билиб қўйиш керак. Агар сизга зудлик билан шифокор маслаҳати зарур бўлса, полисингиз эса бундай хизматларни қоплашни назарда тутмаса, сиз маслаҳат, таҳлил ва даволаниш учун ўзингиз тўлашингиз мумкин.



## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Сиз текин шошилинч тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эгасиз.

» Бошқа тиббий хизматлар учун ўзингиз тўлашингизга тўғри келади ва улар арзон эмас.

» Сиз кўнгилли тиббий суғурта полиси сотиб олишингиз мумкин, ўшанда даволаниш учун харажатларни суғурта компанияси тўлаб беради.

» Болалар учун албатта тиббий полис харид қилинг.

» Полис сотиб олаётганда бу полис билан қандай даволанишларга тўлаш мумкинлигини билиш учун шартномани диққат билан ўқинг. Фақат шошилинч тиббий ёрдамни кўзда тутадиган полисни харид қилишдан фойда йўқ, чунки бундай ёрдам шундай ҳам текин кўрсатилиши керак.

» Иш берувчингиз ишчилар учун тиббий суғурта расмийлаштирадими ёки йўқми, шуни билиб олинг.


## АГАР ИШСИЗ ҚОЛСАНГИЗ

Агар **Россияга келганингиздан кейин 90 кун ичида ишга жойлашишга улгурмасангиз**, мамлакатдан чиқиб кетишингиз керак бўлади.

Сиз Россия фуқаролари каби Аҳоли бандлиги марказларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгасиз. Шаҳар, округ ва туман (катта шаҳарларда) бандлик марказлари бўлиши мумкин. Улар сизни ишсиз деб тан олиб, ишсизлик нафақаси бера олмайди, аммо **мавжуд вакансиялар ҳақидаги ахборотни сизга текин беришга мажбур**.

### Хушёр бўлинг!

Агар малакангиз юқори бўлмаса, иш тажрибангиз кам бўлса, Россияга биринчи марта келган бўлсангиз ва сизга катта иш ҳақи, овқат, ётоқхона таклиф этишса, аммо шартнома имзолашни хоҳлашмаса, ташкилотнинг номи ва директорнинг исми тўғрисидаги саволларингизга жавоб беришмаса, **сиз одам савдоси билан шуғулланаётган кимсалар билан гаплашаётган бўлишингиз эҳтимоли юқори!**Қулликка тушиб қолишингиз



АГАР ИШСИЗ ҚОЛГАН БЎЛСАНГИЗ

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Агар 90 кундан ортиқ ишсиз юрган бўлсангиз, Россияни тарк этишингиз керак. Фақат 90 кундан сўнг қайтиб келишингиз мумкин.

» Сиз вакансия бўйича давлата ҳоли бандлиги марказларига мурожаат этишингиз мумкин.

» Эҳтиёт бўлинг! Агар сизга жуда ҳам яхши шартларда иш таклиф этишаётган бўлса, бу қул савдогарларининг тузоғи бўлиши ва сизни қопқонга чорлаётган бўлишлари мумкин!

## АГАР РОССИЯГА БОЛАЛАР БИЛАН БОРГАН БЎЛСАНГИЗ


Агар Россияга иш излаб болаларингиз билан бирга келишга чоғланаётган бўлсангиз, 2013 йил июль ойидан бошлаб **18 ёшгача бўлган болаларга патент берилмаётганига** диққат қилинг. Яъни 18 ёшгача бўлганларга расман ишга жойлашиш деярли мумкин эмас.

### Россияда болалар меҳнати тақиқланган!

Агар болаларингиз ўз мамлакатингизда мактабни тугатмаган бўлса, сиз Россияда **уларни албатта мактабга беришингиз керак. Мактабда ўқиш – текин.**

Яна бир жиҳатга эътибор беринг: кўплаб субъектларда мактабга ёзилиш электрон шаклда бўлади ва одатда аввалдан ўтказилади. Сиз маълумот учун КФМларга – давлат хизматлари кўрсатувчи кўп функциялари марказларга (сиз регистрацияни расмийлаштирган ўша марказларга) мурожаат этишингиз ҳам мумкин. Қонун бўйича болани мактабга қабул қилишда сиздан паспортдан бошқа қўшимча ҳеч қандай ҳужжат талаб қилишга ҳақли бўлмасаларда, кўпинча мактабларда регистрация (сиз ва болангизнинг) ва боланинг соғлиғи ҳолати ҳақидаги тиббий маълумотномани кўрсатишни сўрашади. Бoshqa ҳужжатлар ва илҳознинг русчага таржимаси ҳам кер





Агар сиз бу ҳужжатларни тақдим этишни истамасангиз ва бунинг имкони бўлмаса, **РФ Таълим ва фан вазирлигининг 2012 йил 28 июндаги “Таълим муассасаларига қабул қоидалари тўғрисида”ги №ИР-535/03 рақамли хатига таянинг** – бу ҳужжат болаларингизнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Унинг матнини интернетдан топиш мумкин.

МАСЛАҲАТ!

Мактабга тиббий маълумотнома олиш учун сиз ёки болангизга тиббий суғурта сотиб олишингиз, ёки хорижий фуқароларга пулли хизмат кўрсатадиган поликлиникага мурожаат этишингиз керак. Суғуртанинг турлари жуда кўп, сизга қайси мос келишини билиш учун тўғридан-тўғри суғурта компаниясига мурожаат қилинг ёки исталган тиббий марказдан сўранг.

**МУҲИМ!**

Сиз соғлом бўлишингиз ёки ўз касаллигингизга кўз юмишингиз мумкин. Сиз – катта одамсиз. Аммо болаларга тиббий суғурта албатта керак! Суғурта компанияси болаларга полис берадими ва қандай шартларда беришини аниқланг!

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ

» Россияда болалар меҳнати тақиқланганини эсда тутинг. 18 ёшга тўлгунига қадар фарзандингиз патент ололмайди.

» Фуқаролиги, прописка ва ҳужжатлари мавжудлигидан қатъи назар, ҳар бир бола мактабда ўқиш ҳуқуқига эга.

» Мактабда ўқиш - текин.

» Фарзандларингизни келажагидан маҳрум этманг, уларни ноқонуний ишлашга мажбурламанг, албатта уларни мактабга ўқишга жўнатинг!



# ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Россияда бўлиш ва ишлашдаги энг ёқимсиз ҳолатлардан бири ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан муносабатлар бўлиши мумкин.

## Ўз ҳуқуқингизни билинг!



**Агар сизни полиция ёки ИИБ ММББ ходими тўхтатса** ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишни сўраса, эсингизда тутинг: бунинг учун ходим хизмат кийимида бўлиши; ўзининг ҳужжатларини (фотосурати бор, исми-фамилияси ва унвони кўрсатилган гувоҳномасини) тақдим этиши, ҳужжатни текшириш учун сабабни тушунтириши шарт. Агар у ўз гувоҳномасини кўрсатишдан бош тортса, сиз унга ҳеч нарса кўрсатишга мажбур эмассиз ва дарҳол полициянинг 102 телефонига қўнғироқ қилишингиз мумкин. Бу вазиятда қонунни бузаётган унинг ўзи!

**Агар ёнингизда паспорт бўлмаса**, исм-фамилиянгиз ва суратингиз бўлган, шахсингизни тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни, масалан, рухсатнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси, паспортнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этишингиз мумкин.

**Агар ёнингизда ҳеч қандай ҳужжат бўлмаса ва сизни ушлашса**, паспортингизни олиб келиши учун бирор танишингизга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

**Агар сизда ҳужжатларингиз ёнида пул бўлса**, ҳужжатни кўрсатаётганда пулни олиб қўйиш керак: полиция ёки ИИБ ММББ ходими буни пора сифатида баҳолаши мумкин. Бунда пора берганлик учун жавобгарлик сизга юкланади.

**МУҲИМ!** Полиция ходими сиз билан хуш муомалада бўлиши, сиз ҳам хушмуомалалик билан ундан ўзингизга зарур маълумотларни сўраб олишингиз керак.

Сиздан фақат ИИВ ММББ холимлари регистрация сўраши мумкин. Аммо кўпинча полиция ходимлари ҳам сиздан уни кўрсатишни сўрайди. Агар сиз регистрацияни ҳали расмийлаштирмаган бўлсангиз, Россияга кирганингиз кўрсатилган миграция картаси ёки келиш билетини кўрсатишингиз мумкин.

### ЭҲТИЁТ БЎЛИНГИ!

Даҳшатлиси шуки, сиз полиция ходимлари томонидан қонун бузилишига дуч келишингиз мумкин. Шу каби ва бошқа ҳолатларда ёнингизда тезкор ёрдам учун телефон рақамлари (мобил телефонингизда ва алоҳида ён дафтарда) бўлсин.

### ХОРИЖЛИК ФУҚАРОЛАРГА ТЕЗКОР ЁРДАМ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ


112 – фавқулодда хизматлар билан боғланиш рақами – куну тун

101 – ўт ўчирувчиларни чақириш – куну тун

102 – полицияни чақириш (шунингдек, полиция ходимларининг ноқонуний ҳаракатларидан шикоят қилиш учун) – куну тун

103 – тез тиббий ёрдамни чақириш – куну тун


104 – газ хизмати



**МУҲИМ!** Илтимос, эсда тутинг, деярли ҳар қандай қонунбузарлик учун хорижликлар нафақат жаримага тортилиши, балки ун йилга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, чиқариб юборилиши ҳам мумкин. Эҳтиёт бўлинг! Фавқулодда ҳолатларда юқорида ва брошюра охирида кўрсатилган телефон рақамларига кўнғироқ қилинг.

**МУҲИМ!** Афсуски, ҳатто регистрация тўғри расмийлаштирилган ҳолатда ҳам полиция ва Россия ИИВ ММББ ходимлари ҳужжатларингизни текшириш чоғида улар қалбаки эканини айтиб, жарима солиш ва мамлакатдан чиқариб юбориш билан таҳдид қилиши мумкин. Баъзан улар муаммони ҳал этиш учун пора суради. Эсда тутинг, агар сиз пора берсангиз, бу билан жиноят содир этган бўласиз. Эҳтиёт бўлинг!

**МУҲИМ!** Ҳеч ким – на полиция, на миграция хизмати ходими паспортингизни олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас.



## Мамлакатга киришга тақиқ

Уч йил давомида икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган **ҳар қандай хорижлик** фуқарога Россияга кириш тақиқланиши мумкин. Бу эса сизга ҳеч бўлмаганда битта жарима ёзилган бўлса ҳам кейинги ҳар қандай жарима Россиядан чиқиб кетганингиздан сўнг бир неча йил мамлакатга қайта кира олмаслигингизни англатади. Масалан, Россияга келганингиздан сўнг 30 кун ичида ҳужжатлар тўпламини топшира олмаганингиз, транспортда чиптасиз юрганингиз, кўчани белгиланмаган жойдан кесиб ўтганингиз, машинани нотўғри қўйганингиз, жамоат жойида спиртли ичимликлар ичганингиз ёки мансабдор шахс сифатида қонунни бузганингиз ва ҳоказо ҳолатларда сизга жарима ёзилиши мумкин.

Эсда тутинг, агар Россияда бўлсангиз ва кириш тақиқланган шахслар рўйхатига киритилган бўлсангиз ҳам сизга патент бериш ёки уни қайта расмийлаштириш рад этилиши ҳамда амалдагиси бекор қилиниши мумкин.

Агар сиз Россияга келганингиздан кейин патент учун ҳужжатларни 30 кун ичида йиғишга улгурмасангиз, жаримага тортилмаслик учун ҳар қандай мамлакатга (Беларусдан ташқари, чунки у ерда сизга миграция картаси берилмайди) чиқишингиз ва қайтиб келишингиз мумкин. Ўшанда ҳужжат топшириш учун сизнинг ихтиёрингизда яна 30 кун бўлади. Бу ерда асосийси миграция қонунчилигига риоя этиш: сиз патентсиз Россияда 180 куннинг 90 кунидан ортиқ бўлмаган муддатда бўлишингиз мумкин. Россияга қайтгандан сўнг сиз ҳар сафар регистрацион янгидан расмийлаштиришингиз керак.

Агар сизга мансабдор шахс сифатида (яъни иш жойида) жарима ёзилган бўлса, аммо сиз қонунбузарлик қилмаганингизга ишонсангиз, албатта жарима устидан шикоят қилинг: кўп ҳолларда 10 кун давомида қонун шундай қилишга йўл қўяди.

ИИВ ММББда Россияга кириши тақиқланганларнинг маълумотлар базаси бор: <http://services.fms.gov.ru/info-service.htm?sid=3000>. Аммо бу база тўлиқ эмас, кўпинча хатоликлар ҳам бўлиб туради. Афсуски, қайси орган киришни тақиқлаганини, кимга мурожаат этиш кераклигини топиш ҳам қийин ҳолатлар бўлади. Бундан ташқари, бу базага жойлаштирилган ахборотлар маълумот учун, холос.

**Ҳар бир одам бўйича аниқ маълумотни Россияда, ИИВ ММББга мурожаат этиб ва улардан расмий жавоб олиб билиш мумкин.**

---

---

## Связаться с нами:

Адрес: г. Москва, ул. Большая Тульская, д. 10, стр. 1, офис 132

Электронная почта: [novoprof@novoprof.net](mailto:novoprof@novoprof.net)

Телефон: +7(977)688-59-57



**Мамлакатингиз элчихонасининг телефон рақамлари (ёзинг):**



ПРОФСОЮЗ РАБОТНИКОВ ПИЩЕВОЙ И ТАБАЧНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ, ТОРГОВЛИ УСЛУГ И СМЕННЫХ ОТРАСЛЕЙ

**НОВОПРОФ**

Москва

2021